

БАЧАДОН БУЙНИ ЕТИШМОВЧИЛИГИ ТУФАЙЛИ ОДАТЛАНГАН ХОМИЛА ТУШИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА АКУШШЕРЛИК ПЕССАРИЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ

Ф. Ж. Насирова,
М. И. Юсупова,
Ш. Д. Исмоилова,
Х. У. Акрамжоновна,
Ш. А. Мавлонова,
Г. М. Шералиева,
О. Д. Ахмаджонова,
Г. Н. Туйчиева

Андижон давлат тиббиёт институти

Одатланган хомила тушиши - хомиланинг уз-уздан икки ва ундан куп маротаба узилишига айтилади. Маълумотларга кўра хомиланинг одатланган тушиши хомилаторлар умумий сонининг 2% ни ташкил этади. Мақсадимиз одатланган хомила тушушининг асоратини ва сабабини урганиш, олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш. Текширув усуллари: клиник лаборатор текширувлар, УТТ. Андижон Вилоят Перинатал Марказининг гинекология ва хомилаторлар хасталиги булимида 2020-2022 йиллар давомида даволанган хомилатор аёлларнинг тугруқ тарихини урганиб чиқилди. Курсатилган даврда хомилаторлардан 35 нафари хомиланинг одатланган узилиш хавфи билан булимда даволанган. Хомилатор аёлларнинг ёши 19-ёшдан 35 ёшгача булиб, хомилаторлик муддатлари 11 та (31,4%) да 5-8 ҳафталик, 14 та (40%) хомилаторда 9-12 ҳафталик, хомилаторларнинг қолган 10 та (28,6%) да 13-21-ҳафталикка тугри келади. Уларнинг 9 нафари (25,7%) да III хомилаторлик, 11-нафар (31,4%) да IV-хомилаторлик, 8 нафари (22,6%) да V хомилаторлик, 7та (20%) да VI-ва ундан юқори хомилаторликнинг тушиш хавфи қайд этилган. Бу хомилаторларнинг 29 та (82,8%) сига хомиланинг одатланган тушиш хавфи, 3та (8,5%) сига бошланган аборт, яна 3 та (8,5%) га йулдаги аборт ташхиси қуйилган. Хомиланинг узилиш хавфи сабаблари урганилганда уларнинг 17 нафари (48,6%) да генитал инфантилизм ва гормонал етишмовчилик, 15 тасида (42,72%) да истмиқо – цервикал етишмовчилик, 7 та (20%) сида TORCH инфекция, 6 та (17%) да жинсий аъзоларнинг яллигланиш касалликлари аниқланган. Бундан ташқари хомилаторларнинг 11 та (31,4%) да сурункали пиелонефрит, 5 тасида (14,28%) да ошқозон-ичак касалликлари, 19 та (54%) сида камқонликнинг турли даражаси аниқланди. Кузатувимиздаги хомилатор аёлларнинг 25 нафар (71,43%) га хомиланинг муддати 12 ҳафтагача бўлгани учун асосан гормонал терапия (прогестерон сакловчи - дюфастон, прогестерон, утрожестан) утқазилган. 10 нафар (28,6%) да хомила муддати 13- 21 ҳафталик бўлгани учун бачадонни кискари-шини пасайтирувчи терапия

(токолитиклар - папаверин гидролорид, ношпа) утказилган. 15 та (42,72%) аёлда истмико-цервикал етишмовчилиги аниқланганлиги туфайли уларга акушерлик пессарийлари куйилди. Акушерлик пессарийси куйилган беморлардан 14 нафарида 37 ҳафталикда пессарийлар олиниб, хомиладорлик муддатли тугруқ билан якунланди ва 1 нафарида 32 ҳафталикда йулдош кучиши билан Кесарча кесиш жаррохлиги утказилди, яъни хомиладорлик тиббий курсатмага асосан муддатдан аввал тухтатилди. Хулоса: Юкоридагиларга асосан куп тугувчи аёллар региони булган бизнинг шароитимизда хомиланинг одатланган тушишини сабабларидан бири булган Истмикоцевикал етишмовчиликда акушерлик пессарийлардан фойдаланишнинг самараси юкорилиги энг мақбул консерватив усуллардан бири эканлигини курсатмокда.